

**Мавзу: Солиқ соҳасидаги ҳуқуқ-бузарликларга қарши курашиш борасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ўзаро ҳамкорлик.**

**Режа:**

**1. Солиққа оид ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш борасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш тартиби.**

**2. Солиқ идоралари ва Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг ўзаро ҳамкорликнинг норматив-ҳуқуқий асослари.**

Давлат солиқ хизмати органларининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ўзаро ҳамкорлиги солиқ ва валюта қонунчилигига риоя қилиниши, бюджетга ва мақсадли жамғармаларга тўловларнинг тўғри ҳисобланиши ва тўланиши таъминлаш мақсадида амалга оширилади. Солиқ органлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ўзаро ҳамкорликни амалга оширишда томонлар ваколатлари доирасида ҳаракат қиладилар.

Солиқ органлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ўзаро ҳамкорлиги қуйидаги шаклларда амалга оширилади:

- 1) ахборот алмашиш;
- 2) солиқ, божхона ва валютага оид қонунчилик талаблари бузилганлиги ҳақидаги маълумотларни чоралар кўриш учун тақдим этиш;
- 3) ҳамкорликдаги текширувлар ва мавзули экспресс – ўрганиш ўтказиш, хронометраж кўздан кечиришдан ўтказиш ҳамда солиқ солиш объектлари ва солиқ солиш билан боғлиқ объектлар тўғрисидаги ахборотни аниқлаштириш;
- 4) жиноят ишлари бўйича текширувларни амалга ошириш;
- 5) ҳамкорликдаги таҳлилий материалларни тайёрлаш ва оффшор ҳудудларда рўйхатдан ўтган шахслар билан операцияларни амалга ошираётган солиқ тўловчилар бўйича мониторинг ўтказиш.

*Ахборот алмашиш.* Солиқ органлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ўртасидаги солиқ (йиғим) тўловчилар тўғрисидаги конфиденциал маълумотлар алмашинуви, уларнинг розилигисиз, томонларнинг асослангандирган ёзма сўровига кўра амалга оширилади.

Давлат сирини ташкил этувчи маълумотлар Ўзбекистон Республикасининг “Давлат сирларини сақлаш тўғрисида”ги Қонуни, банк

сирини ташкил этувчи маълумотлар “Банк сири тўғрисида”ги Қонуни, солиқ сирини ташкил этувчи маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси ва бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тақдим этилади.

Давлат солиқ хизмати органларида хуфийна фаолият билан шуғулланиши мумкин бўлган тадбиркорлик субъектларининг реестри тузилиши учун солиққа оид ҳуқуқбузарликлар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддаларига (179, 184, 189, 190, 243-моддалари бўйича) асосан жиноий жавобгарликка тортилган шахслар бўйича маълумотлар Бош прокуратура томонидан ҳар ойнинг 10-санасига қадар Давлат солиқ қўмитасига тақдим этиб борилади.

Солиқ ва валютага оид қонунчилик талаблари бузилганлиги ҳақидаги маълумотларни тақдим этиш. Солиқ ва валюта қонунчилиги бузилишлари билан курашишни кучайтириш ҳамда қонунбузилишлар аниқланганда ҳамкорликни яхшилаш мақсадида, ҳар бир томон уларнинг ваколатларига кирувчи кейинги чораларни кўриш учун тўпланган иш ҳужжатларини тақдим қилади.

Солиқ назорати натижасида тўпланган иш ҳужжатлари кўриб чиқиш натижасига кўра солиқ органи раҳбари (ўринбосари) томонидан қарор қабул қилинганидан сўнг уч кун муддатда:

а) жиноят аломатлари аниқланган тақдирда тадбиркорлик субъекти рўйхатдан ўтган жой бўйича, рўйхатдан ўтмаган тақдирда эса ҳуқуқбузарлик содир этилган ҳудуддаги Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш Департаментининг бўлимига;

б) давлат божхона хизмати органларига божхона имтиёзларининг нотўғри қўлланилиши фактлари бўйича юборилади.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга материалларни юборишда қуйидаги ҳужжатлар илова қилиниши лозим:

а) солиқ текшируви натижалари бўйича:

текширувни ўтказиш учун (Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексида назарда тутилган) асос ҳисобланган ҳужжат ва солиқ текшируви дастури солиқ тўловчига топширилганлиги ҳақидаги тилхат нусхаси;

текширув ўтказиш учун асос ҳисобланган ҳужжатларни қабул қилиш рад этилган ҳолларда, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига мувофиқ солиқ органининг мансабдор шахси томонидан расмийлаштирилган далолатнома;

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси талабларига мувофиқ расмийлаштирилган солиқ текшируви далолатномаси, солиқ текшируви доирасида содир этилган ҳаракатлар бўйича тузилган баённома, инвентаризация далолатномалари, эксперт хулосалари, солиқ текшируви давомида олинган материаллар ва шу каби бошқа ҳужжатлар;

солиқ текшируви далолатномасини олишни рад этилган ҳолларда почта орқали солиқ текшируви далолатномасининг бир нусхаси солиқ тўловчига юборилганлигини тасдиқловчи буюртма хат нусхаси;

солиқ далолатномаси бўйича солиқ тўловчининг тушунтириш хатлари ва ёзма шаклдаги эътирозлари;

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига мувофиқ расмийлаштирилган солиқ текшируви материалларини кўриб чиқиш баённомаси нусхаси;

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига мувофиқ расмийлаштирилган солиқ текшируви материалларини кўриб чиқиш натижалари бўйича қабул қилинган қарор нусхаси;

б) камерал назорат ва мавзули экспресс-ўрганиш натижалари бўйича: солиқ тўловчига юборилган талабнома;

камерал назорат ўтказилган давр учун солиқ тўловчи томонидан тақдим этилган солиқ (молиявий) ҳисоботлари, фойдаланилган ташқи манба маълумотлари;

камерал назорат ўтказилган давр учун тадбиркорлик субъектининг фаолиятини ўрганиш маълумотномаси ёки ўтказилган мавзули экспресс-ўрганиш маълумотномаси.

в) солиқ назоратининг бошқа турлари бўйича:

солиққа оид ҳуқуқбузарлик юзасидан тузилган баённома;

ҳуқуқбузарлик буюмлари ва (ёки) ҳужжатларни олиш тўғрисидаги баённома (агарда олиб қўйилган бўлса), олиб қўйилган буюмлар рўйхати ва уларни сақлаш учун топшириш тўғрисидаги далолатнома;

экспертиза тайинлаш ва буюмларни олиб қўйиш амалга оширилишида баҳолаш ташкилотини жалб қилиш тўғрисидаги ҳужжатлар;

экспертиза ва ҳуқуқбузарлик буюмлари бўйича баҳолаш ташкилотининг хулосалари (экспертиза узоқ муддатни талаб қилганида хулоса қўшимча тақдим этилиши мумкин);

ҳуқуқбузарнинг тушунтириш хати;

холислар иштирок этган бўлса, уларнинг тушунтириш хатлари;

қонунбузилиши ҳолатларини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар;

Прокуратура органлари тегишли солиқ органларидан солиқ назорати тадбирлари билан боғлиқ ҳужжатларни, шу жумладан солиқ ва бошқа текшириш материалларини талаб қилиб олиш ҳуқуқига эга.

Солиқ органлари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг сўровига асосан аввал юборилган маълумотлар ва материаллар бўйича қўшимча маълумотларни тақдим этиши мумкин.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган материални қабул қилишни рад этган тақдирда, уч кун муддатда рад этиш асосларини кўрсатган ҳолда қайтаради.

Солиқ органлари ваколатига тааллуқли материаллар белгиланган тартибда қарор қабул қилиш учун солиқ тўловчи рўйхатдан ўтган жойдаги, агарда рўйхатдан ўтмаган бўлса, ҳуқуқбузарлик содир этилган жойдаги солиқ органига қуйидаги муддатларда юборилиши лозим:

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан аниқланган солиқ ва валютага оид қонунчилик талаблари бузилиши билан боғлиқ ҳолатлар бўйича маълумотлар ёки молия-хўжалик фаолияти текширилган ҳолларда текшириш далолатномаси имзоланган кундан бошлаб ўн кун муддатда;

солиқ органлари ваколатига доир ҳаракатларни амалга оширишни талаб этувчи бошқа ҳолатлар аниқланган кундан бошлаб беш кун муддатда.

Солиқ органларига юбориладиган материалларда солиқ қонунчилиги бузилиши фактлари мавжуд бўлган юридик ёки жисмоний шахсларни текшириш далолатномаси ёки (солиқ қонунчилиги бузилишини тасдиқловчи тегишли ҳужжатлари илова қилган ҳолда) молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш (тафтиш қилиш) далолатномасининг нусхаси

ва солиқ қонунчилиги бузилишини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар бўлиши лозим.

Қайд этилган материаллар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган раҳбари (ўринбосари) имзолаган хат асосида юборилади.

Солиқ органи текшириш далолатномаси келиб тушган санадан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига белгиланган муддатлардан кечиктирмай кўриб чиқади ва натижаси бўйича қабул қилинган қарор нусхасини 1 кунда далолатномани юборган органга тақдим этади.

Бошқа материаллар бўйича чоралар кўрилган ёки қарор қабул қилинган кундан бошлаб ўн кун муддатда кўриб чиқиш натижалари хақида хабар юборилади.

Солиқ органлари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан юборилган материаллар бўйича солиқ назорати чораларини кўришни қуйидагиларга асосан рад этиши мумкин:

тақдим этилган материалларда солиқ қонунчилиги бузилиши тўғрисидаги фактлар мавжуд эмас деб топилганда;

солиқ текширувини, мавзули экспресс – ўрганишни ҳамда камерал назоратни ўтказишга тўсқинлик қилувчи ҳолатлар мавжудлиги, шу жумладан ҳуқуқбузарликнинг даъво муддати ўтганлиги.

Солиқ органи солиқ назорати тадбирларини ўтказишни рад этган тақдирда, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган материални юқори турувчи солиқ органига кўриб чиқиш учун юбориши мумкин.

20. Солиқ органлари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан биргаликда юборилган, қабул қилинган ва рад этилган материаллар (маълумотлар) ҳамда кўрилган чоралар бўйича ҳар чоракдан кейинги ойнинг 10 санасида солиштиришни амалга оширадилар.

Ҳамкорликда текширишларни ва мавзули экспресс – ўрганишларни , хронометраж кўздан кечиришдан ўтказиш ҳамда солиқ солиш объектлари ва солиқ солиш билан боғлиқ объектлар тўғрисидаги ахборотни аниқлаштириш. Солиқ органлари ҳамкорликдаги текширишларни, мавзули экспресс-ўрганишларни, хронометраж кўздан кечиришдан ўтказишни ҳамда солиқ солиш объектлари ва солиқ солиш

билан боғлиқ объектлар тўғрисидаги ахборотни аниқлаштиришни зарурат бўлганда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан қуйидаги йўналишларда амалга оширадилар:

а) Департамент билан қонунчиликда белгиланган ҳолларда;

б) ички ишлар органлари билан назорат тадбирлари давомида солиқ органларининг қонуний фаолиятига тўсқинлик қилинганида ёки ходимларнинг хизмат вазифаларини бажаришида уларнинг хаёти ва соғлиғини муҳофаза қилишда;

в) давлат божхона хизмати органлари билан республика ҳудудида божхона расмийлаштирувидан ўтмаган, махсус назорат идентификация белгилари билан маркировка қилиниши мажбурий бўлган товарлар шунингдек, контрабанда ва контрафакт товарларни етказиб бериш, сақлаш ва реализациясини аниқлашда;

солиқ назоратини таъминлашда ташқи иқтисодий фаолият қатнашчиларининг солиқ, божхона ва валюта қонунчилигига риоя қилинишини ўрганиш ҳамда маълумот ва ҳисоботларда юзага келган номувофиқликларни аниқлашда;

божхона имтиёзлари тўғри қўлланилишини, шу жумладан имтиёз қўлланилган товар-моддий бойликлардан белгиланган мақсадларда фойдаланилишини ўрганишда.

г) Давлат хавфсизлик хизмати органлари билан давлат манфаатлари ҳамда хавфсизлигига таҳдид солувчи ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, олдини олиш ва қарши курашиш, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ҳамда шарт-шароитларини бартараф этишда.

Солиқ органлари юқорида кўрсатилмаган йўналишлар бўйича назорат тадбирларига юқорида кўрсатиб ўтилган органларни жалб этиш учун уларга сўров юбориши мумкин.

Ўзаро ҳамкорлик – ходимлар томонидан ўз ваколатлари доирасида назорат тадбирларини ўтказишнинг восита ҳамда усулларини танлашда уларнинг мустақиллигига тўсқинлик қилмайди.

Ўзаро ҳамкорликда ўтказиладиган назорат тадбирлари бўйича тузилган текшириш гуруҳи фаолиятини мувофиқлаштириш ва тадбирлар натижаси бўйича маълумотларни умумлаштириш гуруҳ раҳбари томонидан амалга оширилади.

Назорат тадбирлари солиқ органи раҳбари (ўринбосари)нинг буйруғига ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган раҳбарининг (раҳбар ўринбосарининг) қарорига асосан ўтказилади.

Солиқ ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари назорат тадбирларига ушбу тадбирларни амалга оширувчи органнинг сўровига асосан жалб этиладилар.

Агар солиқ органлари ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари муқаддам бошланган назорат тадбирига жалб қилинаётган бўлса, назорат тадбирини ўтказаетган орган раҳбари (ўринбосари) текшириш гуруҳи таркибига тегишли ўзгартиришлар киритиш учун ушбу тадбирни ўтказиш тўғрисидаги қарорга (буйруққа) ўзгартириш киритиш ҳақида қарор (буйруқ) чиқаради.

Назорат тадбирларига жалб этиш учун ходим ажратиш ҳақидаги сўров қуйидаги асосларда юборилиши мумкин:

солиқ тўловчилар ва (ёки) солиқ агентлари томонидан қонунчиликни бузиш фактлари ёки аломатлари аниқланганда ёхуд ушбу маълумотлар бўйича мутахассис тафтишчи ва (ёки) тезкор бўлинма ходимларининг иштирок этиши;

солиқ назоратини олиб бориш бўйича аниқ ҳаракатларни амалга оширишда иштирок этиш учун мутахассислар сифатида солиқ ва (ёки) ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларини жалб қилиш;

назорат тадбирларини ўтказувчи мансабдор шахсларнинг қонуний фаолиятига тўсқинлик қилинганида ёки хизмат вазифаларини бажаришида ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилиш мақсадида хавфсизлик чораларини таъминлаш зарурати бўлса.

Назорат тадбирларига жалб этиш учун ходим ажратиш ҳақидаги сўровни қабул қилиб олган орган сўров келиб тушган кундан бошлаб икки кун муддат ичида тадбирга жалб қилиш учун ажратилган ходим (мутахассис) тўғрисидаги маълумотни юборади.

Алоҳида ҳолларда, сўров ахборот хавфсизлигини ва тезкорликни оширишни таъминлаш мақсадида текшириш гуруҳи раҳбарининг оғзаки муурожаатига асосан ҳам амалга оширилиши мумкин.

Сўров маъқулланган тақдирда, гуруҳ раҳбари назорат тадбирларини ташкиллаштиради.

Агар тегишли орган ходимларини назорат тадбирларига жалб қилиш мақсадлари уларнинг ваколати доирасига кирмаса сўров рад этилиши мумкин.

Назорат тадбирлари натижаларини расмийлаштириш, шунингдек улар бўйича қарор қабул қилиш Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси ва бошқа қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

Назорат тадбирлари натижасига кўра тузилган далолатнома ёки маълумотноманинг бир нусхаси ушбу тадбирларда ходими иштирок этган органга юборилади (ходими текширувчиларнинг хавфсизлигини таъминлашга жалб этилган орган бундан мустасно).

*Жиноят ишлари бўйича текширувларни амалга ошириш.* Жиноят иши доирасида текширув (тафтиш) ўтказиш зарурати туғилган тақдирда, ваколатли орган солиқ органига текширув (тафтиш) мақсади ва муддати ҳамда зарур бўлган ходимлар сони кўрсатилган сўров хатини юборади.

Ушбу хатга асосан солиқ органи ходимлари текширувда (тафтишда) иштирок этиш учун сўров юборган органга ўттиз календарь кундан ошмаган муддатга хизмат сафарига юборилади.

Зарурият туғилганда хизмат сафари муддати Ўзбекистон Республикаси Жиноий-процессуал кодексида белгиланган тартибда текшириш (тафтиш) муддати узайтирилган даврга қадар узайтирилиши мумкин.

*Ҳамкорликдаги таҳлилий материалларни тайёрлаш ва оффшор ҳудудларда рўйхатдан ўтган шахслар билан операцияларни амалга ошираётган солиқ тўловчилар бўйича мониторинг ўтказиш.* Ҳамкорликдаги таҳлилий материалларни тайёрлаш соҳасида ҳамкорлик тегишли органларнинг ўзаро манфаатларига тааллуқли бўлган масалалар бўйича амалга оширилади.

Таҳлилий материалларни тайёрлашда ташаббускор томон тегишли органга зарур бўлган маълумотларни тақдим этиш ҳамда ҳамкорликда ишлаш учун тегишли мутахассисларни юбориш ҳақида сўров юбориши мумкин.



Сўровни қабул қилиб олган орган талаб этилган маълумотларни ва тегишли мутахассисларни ўрнатилган тартибда юбориши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2013 йил 12 июнда 2467-сон билан рўйхатдан ўтказилган “Юридик ва жисмоний шахслар томонидан валюта операциялари амалга оширилишининг асосланганлиги юзасидан мониторинг олиб бориш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 1-иловасида кўрсатилган имтиёзли солиқ режими бериладиган ва (ёки) молиявий операциялар амалга оширилганда маълумотларни ошкор этиш ва ахборот бериш назарда тутилмайдиган давлат ёки ҳудудларда (оффшор ҳудудларда) рўйхатдан ўтган, шунингдек оффшор ҳудудларда жойлашган банкларда ҳисобварақлари мавжуд бўлган норезидентлар билан амалга оширилган операцияларни ўрганиш ва таҳлил қилиш йўли билан мониторинг амалга оширилиши мумкин.

Солиқ органлари юқорида кўрсатилган норезидентлар билан операцияларни амалга оширувчи субъектларнинг рўйхатини тижорат банклари ва давлат божхона хизмати органлари томонидан тақдим этилган маълумотларга асосан юритилишини таъминлайди.

Солиқ органлари маълумотларни таҳлил қилади ва қуйидаги фактларни аниқлайди:

оффшор ҳудудларда рўйхатдан ўтган шахслар билан солиқ тўловчининг ўзаро боғлиқлиги;

юқорида қайд этилган норезидентлар билан амалга оширилган валюта операцияларининг солиқ тўловчини фаолияти характериға ва туриға мувофиқлиги;

ушбу валюта операциялари бўйича ўзаро ҳисоб-китоблар амалга оширилиши ҳамда муддати ўтган дебитор қарздорликнинг мавжудлиги;

солиқ тўловчининг устав фондида давлат улушининг мавжудлиги;

юқорида қайд этилган норезидентлар билан валюта операцияларининг мунтазамлиги;

мазкур операциялар бўйича товарнинг фактура қийматини юқори ёки кам кўрсатилиши фактларининг мавжудлиги.

Солиқ органи ҳар ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 20-санасига қадар субъект рўйхатдан ўтган жойдаги Департаментнинг туман бўлимиға

электрон кўринишдаги маълумотни мавжуд алоқа каналлари орқали тақдим этади.

Департамент органлари солиқ органларидан олинган маълумотларни таҳлил қилади ва хорижий давлатларга пул маблағларини асоссиз ўтказиш ҳамда жиноий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш билан боғлиқ ҳолатларни аниқлайди, шу жумладан шубҳали банк транзакциялари ва ушбу операцияларни молиявий битимлар, алоҳида шахсларнинг мулки тўғрисида бошқа мамлакатлардан олинадиган маълумотлар билан боғлиқлигини ўрганиш тадбирларини амалга оширади.